

ОЯТЛАРДА МАЪНАВИЙ ГЎЗАЛЛИКЛАР

Мухамедходжаева Санобар Абдужалиловна
Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси
Матншунослик ва адабий манбашунослик
2-курс магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада оятларда қўлланилган бадий санъатлар хусусан, таврия, ифтинан, иттисаъ, ихтисос, муроъатун-назир ҳамда ирдоф каби маънавий гўзалликлар ва уларни оятлардан кўзланган мақсад ва ғояни ифодалашдаги аҳамияти баён қилинган.

Калит сўзлар: бадий санъатлар, маънавий гўзалликлар, таврия, ифтинан, иттисаъ, ихтисос, муроъатун-назир, ирдоф.

Қуръони каримдаги лафз ва маънони ифодалашда қўлланилган услубни бизга балоғат илми ўргатади. Ушбу илм илми баён, илми маъоний ҳамда илми бадий (бадий гўзалликлар) каби таркибий қисмлардан иборат. Бадий илми икки қисмга бўлинади: Ал-муҳассиноту-л-лафзийя (лафз гўзалликлари); ал-муҳассиноту-л-маъновийя (маъно гўзалликлари).

Қуръони каримда маънавий гўзалликлар фикрни ифодалаш, таъсирчанликни ошириш, маънони гўзаллаштириш воситалари сифатида ишлатилади. Ар-Раҳмон сурасида маънавий гўзалликлардан бир қанчаси қўлланилган. Шулардан бири “Таврия” бўлиб, у бадий гўзалликнинг энг шарафлисидир.

“**Таврия**” луғатда *وَرِي* сир тутмоқ, яширмоқ маъносини билдиради. “Дурус-л-балоға” асарида: “**Таврия** – иккита маъноси бор бир лафзни ишлатиш. Бири яқин маънони ифодалаб, бошқа маънонинг эҳтимоли бўлмайди. Иккинчиси узоқроқ маъно англатиб, бошқа маънонинг ҳам эҳтимоли бор ва гапда айнан шуниси мақсад қилинади”, деб таъриф берилади.

Шунингдек, таврия ийҳом, тавҳим ёки таҳйил деб ҳам аталади. Масалан, Анъом сурасининг 60-оятида куйидагича марҳамат қилинади: «**У тунда сизларни “вафот эттирадиган”** (ухлатиб руҳингизни вақтинча оладиган), кундузи қилган ишларингизни биладиган Зотдир». Оятда *جَرَحْتُمْ* (қилган ишларингиз) сўзининг узоқ маъноси, яъни қилган гуноҳингизни биледи, деган маънодадир.

Ар-Раҳмон сурасининг 41-оятидаги *(وَالنَّجْمِ وَالشَّجَرِ يَسْجُدَانِ)* “**Полиз экинлари (ёки юлдузлар) ва дарахтлар ҳам (Аллоҳга) сажда қилур (бўйин сунур)**”, *النَّجْمِ* (ан-нажм) сўзида ушбу санъат тури мавжуд. *النَّجْمِ* (ан-нажм)нинг бирламчи

маъноси осмондаги юлдуз, ояти каримада унинг иккинчи маъноси, яъни ўт-ўлан назарда тутилган.

Ифтинан الافتان – луғатда сўзловчининг бир каломда бир неча услубни қўллашига айтилади. Балоғат олимлари: الافتان: الجمع بين فنين – ифтинан икки тур орасини жамлаш. (Бу икки тур бир-биридан фарқли, зид, бир хил бўлиши мумкин.), дейдилар. “Жавоҳиру-л-балоға” асарида эса: икки хил фарқли нарса орасини жамлашга, яъни фахр ва ҳамдардлик, мақтов ва мазах, ҳақорат, табрик ва таъзия кабилар ифтинандир, дейилган.

Ўрганилаётган сурада ҳам ушбу санъат қўлланилган: «(Ер) юзидаги барча мавжудот фонийдир. Улуғлик ва Икром сохиби бўлмиш Раббингизнинг “юзи” боқий қолур» (26–27) Оятда Аллоҳ таоло инсон, жин, фаришта ва бошқа жонзотларнинг барчаси фоний бўлиши, ёлғиз Ўзигина боқий қолишини 10 та сўз билан ифодалади. Бунда махлуқотларнинг барчаси фоний экани мазаммат, яъни айб-ноқислик ўрнида. Ўзининг боқий экани мақтов ўрнида Жалол ва Икром сифатлари ила зикр қилинади.

Иттисаъ – الاتساع луғатда кенгайтириш маъносини ифодалайди. Бу санъатда сўзловчи нутқда сўзлар талқинига кўра кенг таъвилга эга каломни айтади. Таъвил инсонларнинг ақл ва идрокларининг турлилигига кўра кенгайиб боради. Бунга мисол Моида сурасининг 29-оятидир. Унда Одам алайҳиссаломнинг икки ўғли орасида бўлиб ўтган воқеа, яъни аканинг гуноҳи назарда тутилган: «“Мен ўзимнинг гуноҳимни ҳам, ўз гуноҳингни ҳам (зимманга) олиб кетишингни ва дўзах аҳлидан бўлишингни хоҳлайман. Золимларнинг жазоси шудир”, деди». Оят: “Мен сени ўлдиришни хоҳламайман, агар шундай қилсам, мен гуноҳкор бўламан”, деган кенг маънони ифодалайди. Тафсир, наҳв ва балоғат олимлари бу оятда уч хил таъвил бор дейдилар:

1. Истифҳом ҳамзаси тушириб қолдирилган. Шунда маъно “мен сени гуноҳ билан кетишингни хоҳлайманми? Яъни буни хоҳламайман, чунки гуноҳни хоҳлаш ҳам гуноҳ ҳисобланади.

2. لا инкор юкламаси каломда тушиб қолган. Шунда “хоҳламайман” маъноси назарда тутилган бўлади. Худди ушбу оят каби: (بين الله لكم أن تضلوا) яъни أن لا تضلوا (адашмаслигингиз учун).

3. Маъно ўз ўрнида, яъни “хоҳлайман” деган маънода. Бу ерда хоҳиш маъжозий ёки ҳақиқий маънода ҳам бўлиши мумкин. Кофир киши учун жазони хоҳлаш жоиз.

Ар-Раҳмон сурасининг 33-оятдаги иттисаъ الاتساع гўзаллигининг қўлланиши: (يخرج منهما اللؤلؤ والمرجان) “У **иккисидан** (аслида шўр сувлисидан) **марварид ва маржонлар чиқур**”. Оятда يخرج (чиқиш) сўзи дур ва маржонга нисбат берилди. Дуру маржон аслида денгиздан чиқса-да, иккисидан, яъни

денгиз ва дарёдан дейилди. Муфассирлар “иккисидан” сўзини денгиз ва дарё деб тафсир қилганлар. Худди: «Яна улар: “Бу Қуръон икки шаҳар(нинг бири)дан бўлган улуғ одамга нозил қилинганида эди”, дедилар» (Зухруф сураси, 31-оят) каби. Ушбу оятда ҳам икки қишлоқ дейилса-да, аслида қишлоқ битта бўлган.

Аллоҳ таоло *يَخْرُجُ مِنْهُمَا اللَّوْؤُ وَالْمَرْجَانُ* оятида *يَخْرُجُ مِنْهُمَا* у иккисидан (денгиз ва дарёдан) чиқади деди, *من أحدهما* иккисининг биридан, демади. Чунки иккиси бир-бирига йўлиққанда худди бирлашиб кетгандай бўлади. Аслида *يَخْرُجَانِ مِنْهُمَا* (у иккиси, яъни дур ва маржон у иккисидан – денгиз ва дарёдан чиқади) дейиш ҳам мумкин *يَخْرُجَانِ مِنَ الْبَحْرِ* (дуру маржон денгиздан чиқади) деса ҳам бўлади. Шунингдек, иккиси денгизнинг ҳаммасидан ҳам чиқавермайди. Балки баъзисидан чиқади. Бундай гўзалликка иттисаъ дейилади (яъни оятнинг таъвили-тафсири ақл тақозосига кўра кенгайиб боради).

Ихтисос الاختصاص (хослаш) гўзаллиги. Ихтисосда дастлаб умумий нарсалар айтилиб, ундан баъзилари хосланади. (*فِيهِمَا فَاكِهَةٌ وَنَخْلٌ وَرُمَّانٌ*) “У иккисидан (мазкур икки боғда) мева, хурмо ва анорлар бордир”. Оятда *نَخْلٌ* (хурмо) ва *رمان* (анор) сўзлари *فَاكِهَةٌ* (мева) сўзига боғланиб келган. Аслида бу иккиси ҳам мевадир. Бу ерда иккисини хослаш, фазилатини баён қилиш учундир. Гўёки бошқа турдаги нарсалар каби алоҳида-алоҳида зикр қилинди. Бу ҳолат 11-оятда ҳам бор. (*فِيهَا فَاكِهَةٌ وَالنَّخْلُ ذَاتُ الْأَكْمَامِ*) “Унда (турли) мева ва гунчаларга эга хурмо дарахтлари бор”.

Замахшарий айтади: “Хурмо ва анор мева сўзига боғловчи билан хосланиб, алоҳида келишига сабаб бу иккисидан бошқа мевалардан кўра зиёдалик бор. Чунки хурмо ҳам мева, ҳам таом ҳисобланса, анор мева ҳамда даво ўрнида истеъмол қилинади. Зужжаж, Азҳарий раҳимаҳумаллоҳ: “Араблар бир нарсанинг афзаллигини ифодаламоқчи бўлса, аввал умумий айтиб, сўнг алоҳида номлайди”, дейдилар.

Муроъатун-назир – مراعاة النظر луғатда “ўхшашини риоясини қилиш” маъносини ифолайди. Муроъатун-назирга қуйидагича таъриф берилган: “*Бир-бирига мутаносиб икки ёки бир неча ишни жамлаш*”.

Шунингдек, бу санъат балоғат олимлари томонидан таносуб, тавофуқ, ийтилоф, муахот, талфиқ деб ҳам номланади. Атоуллоҳ Хусайний “Бадоеъу-с-саноеъ”да қуйидагиларни айтади: “Ани таносуб, тавфиқ (нималарни бир-бирига келиштирмак), ийтилоф (бир-бирига улфат бўлмоқ, қўшилмоқ) ва талфиқ (бир-бирига келтирмак) ҳам дерлар. Яъни каломда унга муносиб ҳодиса ва нималарни жам қилурлар (аммо тазод йўли билан эмас).

Муроатун-назирнинг бир қанча кўринишлари бор:

1) Маънода мутаносиб. Бунда каломнинг охири бошидаги маънога мутаносиб сўз билан тугайди. Масалан: *لا تدرکه الأبصار وهو يدرك الأبصار وهو اللطيف* (латинча: “Кўзлар Уни идрок этмас. Кўзларни У идрок этар. У Латиф (дақиқ нарсаларни билувчи) ва Хабир (хабардор)дир”). Оятдаги *اللطيف* – (дақиқ

нарсаларни билувчи) ояти бошидаги لا تتركه الأبصار (кўзлар уни идрок этмас)га муносиб, الخبير (хабардор) эса وهو يدرك الأبصار (кўзларни У идрок этар) билан муносибдир.

2) Лафзда мутаносиб. Яъни бир сўз айтилиб, унинг маъноси икки тарафдан бирига, лафзи эса бошқасига муносиб бўлади. Ар-Раҳмон сурасидагининг 41-ояти бунга мисол (الشمس والقمر بحسبان) (والنجم والشجر يسجدان) . Оятдаги النجم (юлдуз) лафз жиҳатидан ўзидан олдинги الشمس (қуёш) ва القمر(ой)га муносиб. Маънода эса ўзидан кейинги الشجر (дарахт) сўзига муносиб. Боиси النجم пояси йўқ ўсимликни ҳам ифодалайди. Бу услуб ийҳом таносуб деб ҳам номланади.

Ирдоф – الاراداف луғатда “туриш”, “ўраш”, “ўзининг орқасига жойлаштирмақ”, “қўллаб-қувватламақ” маъносини ифолайди. Бу гўзалликда одатда маънога далолат қиладиган асл лафз ишлатилмай, мақсадни баён этишда бошқа таъбир билан ифодаланади. Чунки тарк этилган асл лафз кўзда тутилган маънони ифодалай олмайди.

“Итқон фи уълумил-Қуръан” асарида айтилишича, ирдоф бадий гўзаллиги турларидан бўлиб, кинояга ўхшайди. Сўзловчи бир маънони ирода қилади ва мос лафзни ишлатмайди, ишора далолати ҳам бўлмайди, балки унга эргашган лафз орқали ифодалайди. Худ сурасининг 44-оятидаги “وقضي الأمر” “фармон бажарилди” каби. Аслида оят “Аллоҳ ҳалок бўлишини амр этганлар ҳалок бўлди ва Аллоҳ нажот топишини амр этганлар нажот топди” маъносида бўлиб, ирдоф, яъни орқасидан эргашиб келувчи маъно лафзига бурилган.

Қудома бу санъатни “иътилафу-лафз маъа-л- маъна” деган. Ар-Раҳмон сурасидаги (فيهنّ قاصرات الطرف) оятида хурлардаги عفيفات(иффатли-покдомон) сифатига قاصرات الطرف “кўзларини тийувчи” сифати билан ишора қилинди. Бу ерда асл сифат عفيفات – иффат назарда тутилган бўлиб, ўрнига унга тобе бўлган قاصرات الطرف кўзни тийувчи сифат келтирилган. Чунки иффат сифат бўлса, кўзни бегоналарга қарашдан тияди.

Демак, Қуръондаги сўзларни тушунишда, оятлар маъносини очиқ баён қилишда маънавий гўзалликларнинг ўрни катта. Шунингдек, диний, илмий ва бадий асарларни ўрганиш ва уларни китобхонларга тўғри ва чиройли тарзда етказишда ҳам бу илмни билиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маънолар таржимаси. – ТИУ, 2001.
2. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Форсчадан А. Рустамов таржимаси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
3. Рустамий С. Ўрта асрлар балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар. – Тошкент: Zilol buloq, 2019.
4. Тарғиб ва таҳзийбу-л-итқон. Суютий.
5. Эъробу-л-Қуръон ва байануху. Муҳийиддин Дарвеш.
6. Дурусу-л-балоғо. Ҳафний Носиф. Султон Муҳаммад.